

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил „ 8 “ май № ПҚ-3704 „ “ 20 г.

**Тошкент давлат аграр университетида олий маълумотли
кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Республика ҳудудлари ва аграр соҳа тармоқларининг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларига ҳудудлар бўйича мақсадли қабул ташкил этилди.

Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиалини ташкил этилиши мамлакатимиз жанубий минтақасининг аграр соҳаси учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш имкониятини яратди.

Таълим жараёнининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида академик лицейлар тегишли олий таълим муассасалари тасарруфига ўтказилди, соҳа учун олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда аграр тармоқлар иштирокини кенгайтириш чоралари белгиланди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги соҳасида кадрлар тайёрлаш борасида бугунги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Бунда:

биринчидан, аграр соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, жадаллик билан жорий этилаётган замонавий интенсив, ресурстежамкор технологиялар ҳамда илғор тажрибалар фан дастурларида ўзининг аксини топмаганлиги, таълим йўналишлари бўйича замонавий талаблар асосида яратилган методик таъминотлар билан тўлиқ таъминланмаганлиги ҳамда университетнинг ўқув-лаборатория базаси маънан ва жисмонан эскирганлиги натижасида талабалар замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлмаётганлиги сабабли битирувчиларнинг мутахассислиги бўйича ишга жойлашишида муаммолар мавжуд;

иккинчидан, мутахассислар тайёрлаш юзасидан эҳтиёжлар чуқур таҳлил қилинмаганлиги оқибатида соҳада илғор агротехнология, инновацион ва ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш каби йўналишларда олий маълумотли кадрлар етишмаслиги юзага келди;

учинчидан, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти, касбий билим даражаси, шунингдек, амалий тажрибаларини доимий ошириб бориш механизмларини жорий этиш, уларнинг касбий салоҳиятини оширишда хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илғор тажрибаларидан самарали фойдаланилмапти;

тўртинчидан, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграцияси таъминланмаганлиги, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг тизимли ташкил этилмаганлиги, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги олиб борилган илмий изланишларнинг соҳадаги мавжуд долзарб илмий муаммолар ечимларига қаратилмаганлиги оқибатида илмий фаолиятнинг самарадорлиги пастлигича қолмоқда;

бешинчидан, талабаларнинг ишлаб чиқариш ва малакавий амалиётларини қишлоқ хўжалиги экинларининг агротехник тадбирлари мавсумига мослаштирилмаганлиги ва самарали ташкил этилмаганлиги оқибатида битирувчиларнинг амалий кўникмалари талаб даражасида эмас.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси учун кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, олий таълим муассасаларининг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, илмий ва илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий усуллари жорий қилиш, соҳа учун юксак малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлигининг таклифлари асосида:

Тошкент давлат аграр университети, унинг филиаллари ва таркибидаги академик лицейлари билан биргаликда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимига ўтказилсин;

Андижон қишлоқ хўжалиги институти негизида Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиали ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалигида инновацион ресурстежамкор техника ва технологияларни кўллаш, интенсив агротехнологияларни жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги экинларида ҳосилдорликни ошириш, уларнинг селекцияси ва уруғчилигини ташкил этиш, касалликлар ва зараркунандаларга қарши курашиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, дастлабки қайта ишлаш, стандартлаштириш, сертификатлаш, доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, ўрмончилик, балиқчилик бўйича янги ва замонавий билимларга эга бўлган юксак малакали кадрлар тайёрлаш;

ўқув-лаборатория базасини модернизациялаш, ўқув режаси ва фан дастурларида соҳа бўйича замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари, юқори унумли ва ресурстежамкор илғор технологиялар бўйича билимларни акс эттириш, ўқув жараёнида назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш орқали олий таълим муассасалари битирувчиларининг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш;

соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва жорий этилаётган замонавий технологияларга оид билим ва кўникмаларини чуқурлаштиришни ҳисобга олган ҳолда талабаларни ўқитишнинг илғор усуллари ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига жорий этиш;

профессор-ўқитувчиларнинг касбий билими, педагогик маҳорати ва илмий салоҳиятини мунтазам равишда ошириш, хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар, илмий ва илмий-педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва стажировкаларини ташкил этишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш орқали манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш ҳамда уларнинг натижаларини амалиётга жорий этиш, илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда илмий-техник вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган амалий ва инновацион изланишларни амалга ошириш;

аграр соҳа учун кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини яратиш, университетга бириктирилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари таълим дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, уларда сифатли таълим берилишини ташкил этиш;

олий таълим муассасасини битираётган кадрларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, уларнинг касбий фаолияти мониторингини тизимли ташкил этиш.

3. Қуйидагилар:

Тошкент давлат аграр университети ва унинг Андижон, Нукус ва Термиз филиаллари тузилмаси 1, 1а, 1б ва 1в-иловаларга мувофиқ;

Тошкент давлат аграр университетида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича йўл харитаси 2-иловага мувофиқ;

Тошкент давлат аграр университети ва унинг Андижон, Нукус, Термиз филиалларига давлат ва хўжалик бошқарув органлари, вилоятлар ҳокимликларининг буюртмаларига асосан 2018/2019 ўқув йили учун давлат гранти ҳамда тўлов контракт асосида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қабул квотаси 3-иловага мувофиқ;

2018/2019 ўқув йилида Тошкент давлат аграр университети бакалаврият таълим йўналишларига давлат гранти асосида мақсадли қабул квотасини кадрлар буюртмачиларининг таклифларига асосан республика ҳудудлари бўйича тақсимоти 3а-иловага мувофиқ;

2018-2019 йилларда Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари параметрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, зарур ҳолларда, Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари уставларини икки ой муддатда тасдиқланишини ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

6. Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тугатилсин ва унинг функциялари ҳамда у учун назарда тутилган молиялаштириш манбалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига ўтказилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини, шу жумладан, кредиторлик ва дебиторлик қарздорлигини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига ўтказилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари объектларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича бошланган ишларнинг охирига етказилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Тошкент давлат аграр университети таркибидан чиқарилаётган Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти фаолиятини таҳлил қилган ҳолда унинг идоравий мансублигини аниқласин;

қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари ҳузуридаги фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий марказлари фаолиятини танқидий қайта кўриб чиқиб, фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чораларини кўрсин.

8. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат аграр университетининг магистратура мутахассисликларига қабул Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун тўлиқ давлат гранти асосида амалга оширилсин.

9. Тошкент давлат аграр университети ва унинг Андижон, Нукус, Термиз филиалларининг кадрлар буюртмачилари рўйхати ва уларга тақсимланган талабалар сони 5-иловага ҳамда бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг амалиёт ўташ объектларига бириктирилиши 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Қуйидагилар Тошкент давлат аграр университети ва унинг Андижон, Нукус, Термиз филиалларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кадрлар буюртмачиларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

корхона ва ташкилотлар объектларида талабаларнинг амалиётини ташкил қилиш ва устоз-шогирд тизими асосида ўтилишини таъминлаш ҳамда талабаларни ишлаб чиқаришнинг янги меъёрий ҳужжатлари, замонавий ахборот дастурий таъминот маҳсулотлари билан яқиндан таништириш;

ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларидан тайинланган малакавий амалиёт раҳбарларига асосий иш жойидан қўшимча иш ҳақларини тайинлаш;

манфаатдор вазирлик ва идоралар тасарруфидаги бошқармалар ва уларнинг таркибидаги корхона ва ташкилотлардан малакали, тажрибали мутахассисларни таълим жараёнида иштирокини таъминлаш;

корхона ва ташкилотларда профессор-ўқитувчиларнинг стажировкалари учун шарт-шароитлар ҳамда кафедраларнинг филиалларини ташкил этиш ва амалий машғулотлар ўтиш имкониятини яратиш.

Кадрлар буюртмачилари талаба билан ўқишни битирганидан сўнг 5 йил ишлаб бериш мажбуриятини белгилловчи шартнома тузиш орқали унинг базавий тўлов контрактини 2-босқичда камида 50 фоиз, 3-босқичда камида 75 фоиз ва 4-босқичда 100 фоиз миқдорда тўлаб бериши мумкинлиги қайд этилсин.

11. Тошкент давлат аграр университетининг Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган “Қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот ва ўқув-тажриба станцияси” ДУК ўрнида “Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳат маркази” ДУК ташкил этилсин.

“Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳат маркази” ДУКнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

марказ ҳудудида талабаларнинг малакавий амалиётларини ўтказиш, уларнинг назарий билимларини амалиётда қўллаш орқали малака ва кўникмаларини шакллантириш;

Тошкент давлат аграр университетининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари ва иқтидорли талабаларининг илмий-тадқиқот тажрибаларини олиб боришлари учун шарт-шароитлар яратиш, илмий-тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этиш;

қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва илмий салоҳиятли кадрларни тайёрлашга йўналтирилган ҳалқаро ва давлат грантлари доирасида илмий-тадқиқотларни амалга ошириш;

қишлоқ хўжалик экинларининг коллекцияларини яратиш, мевали ва манзарали дарахтларнинг кўчатларини тайёрлаш;

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича мунтазам равишда маслаҳатлар, тавсиялар бериб бориш.

12. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Нукус педогогика коллежининг Нукус шаҳри, П.Сеитов кўчаси, 12-уй манзилида жойлашган биносининг Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалига бир ой муддатда белгиланган тартибда бепул берилишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан капитал таъмирланишини таъминласин.

икки ой муддатда Андижон вилояти ҳокимлиги билан биргаликда тугатилаётган Андижон қишлоқ хўжалиги институтининг Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйганёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотлари, тегишли ҳудуди, ўқув ва лаборатория жихозлари, компьютер техникаси, ўқув адабиётлари ҳамда бошқа мол-мулки Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиалига белгиланган тартибда бепул берилишини таъминласин;

тугатилаётган Андижон қишлоқ хўжалиги институтининг 2017/2018 ўқув йилида тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликларида таҳсил олаётган талабаларига уларнинг ўқишини тугатгунига қадар Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиалида ўқишини яқунлаш имкониятини яратсин;

13. Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик ва ҳайрия маблағлари;

ҳалқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

14. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда қишлоқ хўжалиги соҳасига оид долзарб илмий-техник муаммолар бўйича фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда илмий-тадқиқот муассасаларининг Тошкент давлат аграр университети билан ўзаро мувофиқлашган ва узвий ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда илмий ишланмаларнинг натижадорлигини ошириш юзасидан зарурий чораларни кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Андижон қишлоқ хўжалиги институти тугатилиши муносабати билан унинг ишдан бўшайдиган ходимларини ўрнатилган тартибда ишга жойлаштириб бориш чораларини кўрсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.


17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Р.С. Касимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Қ.В. Акмалов ва З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти




Ш.Мирзиёев

Тошкент давлат аграр университетининг тузилмаси




Изоҳ: Университет (факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалар) ходимларининг чекланган умумий сони олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.

Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиали тузилмаси




Изоҳ: Филиал (факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлимлар) ходимларининг чекланган умумий сони олий таълим муассасалари учун ўрнатилган нормативларга мувофиқ аниқланади.

Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали тузилмаси



Изоҳ: Филиал (факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлимлар) ходимларининг шекланган умумий сони олий таълим муассасалари учун ўрнатилган нормативларга мувофиқ аниқланади.

Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиали тузилмаси



Изоҳ: Филиал (факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлимлар) ходимларининг чекланган умумий сони олий таълим муассасалари учун ўрнатилган нормативларга мувофиқ аниқланади.

**Тошкент давлат аграр университетида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича
ЙЎЛ ХАРИТАСИ**

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
I. Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларининг фаолиятини ташкил этиш					
1	Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларининг Уставларини ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш.	<p>1. Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларининг Уставларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.</p> <p>2. Уставларни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи билан тасдиқлаш.</p> <p>3. Тасдиқланган Уставларни худудий "Ягона дарча" марказларидан давлат рўйхатидан ўтказиш.</p>	<p>2018 йил 15 июнь</p> <p>2018 йил 25 июнь</p> <p>2018 йил 20 июль</p>	-	<p>Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари</p> <p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги</p> <p>Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари</p>
II. Аграр соҳаси учун кадрлар тайёрлашга бўлган талабни ва таълим сифатини таъминлаш механизминини шакллантириш					
2	Ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳамда кадрлар истеъмолчиларининг талаблари, соҳа бўйича замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари, юқори унумли ва ресурстежамкор технологиялар ўз аксини топган давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан	1. Ривожланган хорижий тажрибалар асосида таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини ишлаб чиқиш мақсадида университет буйруғи асосида ишчи гуруҳ тузиш.	2018 йил 1 июнь	-	Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	дастурларини қайта ишлаб чиқиш, ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ҳамда ўқув жараёнига босқичма-босқич жорий этиш.	2. Ишчи гуруҳлар томонидан қиёсий таҳлиллар асосида ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва ўқув режалари, фан дастурларини асосий кадрлар истеъмолчилари билан келишув далолатномасини тузиш.	2018 йил 15 июнь		Тошкент давлат аграр университети, манфаатдор вазирлик ва идоралар
3. Давлат таълим стандартлари, малака талаблари ўқув режалари ва фан дастурларини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруғи билан тасдиқлаш.		2018 йил 30 июнь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги		
4. Тасдиқланган давлат таълим стандартлари, малака талабалари, ўқув режалари ва фан дастурларини босқичма-босқич ўқув жараёнига тадбиқ этиш.		2018 йил 3 сентябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари		
3	Янгидан ташкил этилаётган таълим йўналишлари бўйича ўқув-методик адабиётлар, ахборот материаллари (шу жумладан, уларнинг электрон вариантлари), махсус даврий нашрлар билан таъминлаш.	1. Янги таълим йўналишлари бўйича фанлар рўйхатини тузиш	2018 йил 15 июнь	-	Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари
2. Фанлар рўйхати асосида зарурий маҳаллий ва хорижий адабиётлар ҳамда махсус даврий нашрларни харид қилиш.		10 июль	Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси, Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари	

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
		3. Янгидан ташкил этилаётган таълим йўналишлари учун ўқув-методик адабиётлар, ахборот материалларини яратиш бўйича соҳанинг етук мутахассислари ҳамда соҳага оид хорижий олий таълим муассасаларининг олимлари таркибидан иборат ижодий Ишчи гуруҳ ташкил этиш.	2018 йил 20 июнь	-	Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари
		4. Янгидан ташкил этилаётган таълим йўналишлари бўйича ўқув-методик адабиётлар, ахборот материалларини яратиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2018 йил 30 июнь		Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари
		5. Нашр учун тайёрланган ўқув-методик адабиётларни сифатли чоп этиш.	2019-2021 йиллар	Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари
4	Аграр соҳа ва республика худудларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини инobatга олган ҳолда янги истиқболли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш.	1. Манфаатдор вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимият органларининг таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, касбларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш учун мурожаат қилиш, улар билан учрашувлар ўтказиш.	ҳар йили ноябрь-декабрь ойлари	-	Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимият органлари
		2. Манфаатдор вазирлик ва идораларнинг таклифлари асосида кейинги ўқув йиллари учун қабул квоталарини шакллантириш ҳамда тегишли вазирликларга тақдим этиш.	20 декабрь		Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимият органлари, Тошкент давлат аграр университети ва

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар унинг филиаллари
5	Хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ва кадрлар истеъмолчиларининг талаблари асосида янгидан ташкил этиладиган таълим йўналишлари ва мутахассисликларини “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”га киритиш.	<p>1. Янгидан ташкил этиладиган таълим йўналишлари ва мутахассисликларини “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”га киритиш бўйича таклифларни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этиш.</p> <p>2. “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”га қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш.</p>	<p>2018 йил 15 май</p> <p>15 июнь</p>	-	<p>Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари</p> <p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги</p>
6	Ўқув жараёнида зарур бўладиган қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларнинг намуналари, макетлари ва кўргазмали ўқув воситалари, соҳага оид дастурий маҳсулотлар, тренажёрлар, жорий этилаётган замонавий технологиялар бўйича янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини чоп этиш, мультимедия маҳсулотларини яратиш ва харид қилиш билан боғлиқ харажатларини молиялаштириш.	<p>1. Ўқув жараёнига зарур бўладиган ўқув-ёрдамчи жиҳозлар ҳамда чоп этиладиган ўқув адабиётларининг рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Ўқув-ёрдамчи жиҳозларини харид қилиш ҳамда ўқув адабиётларни чоп этиш.</p>	<p>2018 йил 10 август</p> <p>2018-2019 йиллар</p>	-	<p>Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари</p> <p>Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар</p>
7	Талабаларнинг малакавий амалиётларини илғор технологияларга	1. Талабаларнинг малакавий амалиётларини ташкил этиш	2018 йил 10 май	-	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	эга корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларидида ташкил қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш, ёш мутахассисларни ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш тадбирларини ўз ичига олган ҳамкорлик шартномаларини тузиш.	<p>мақсадида илғор технологияларга эга корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари рўйхатини аниқлаш.</p> <p>2. Таълим йўналишлари бўйича ўқув режаларига агротехник тадбирларнинг мавсумийлигини инобатга олиб амалиёт муддатини 20 ҳафтадан 30 ҳафтагача белгилаш.</p> <p>3. Корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари билан малакавий амалиётларни ўтказиш ва ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартномаларни тузиш.</p> <p>4. Худудлар бўйича белгиланган корхона ва ташкилотлар, илғор фермер хўжаликларидида амалиёт ўтовчи талабалар гуруҳларини шакллантириш ва таълим муассасаси, ишлаб чиқаришдан масъул амалиёт раҳбарларини тайинлаш.</p> <p>5. Амалиёт даврида талабалар учун зарурий шарт-шароитлар яратиш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, яшаш жойлари билан таъминлаш ҳамда ўқишни тугатгандан сўнг ишга тақсимлаш чоралари кўриш.</p> <p>6. Ҳамкорлик шартномаларга асосан малакавий амалиётларни ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш.</p>	<p>2018 йил 15 июнь</p> <p>2018 йил 20 июль</p> <p>ҳар йили 25 августгача</p> <p>ҳар йили 20 декабрь</p> <p>Тасдиқланган ўқув жараёни жадвали асосида</p>		<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар</p>

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
8	Олий таълим муассасаларини битираётган кадрларнинг ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашиши, ўз йўналишлари бўйича тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишларида кўмаклашиш.	1. Битирувчилар ва иш берувчилар ўртасида “Карьера куни” тадбирларини ўтказиш, битирувчиларни ишга жойлашиши бўйича уч томонлама шартномалар тузиш.	2018 йил 15 май	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари
		2. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи битирувчилар учун бизнес режа тузиш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш.	15 май		Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари
		3. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи битирувчиларга бизнес режаси асосида тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш.	25 июль		Тижорат банклари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
9	Қишлоқ хўжалиги соҳасида олий малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш ишларини жадаллаштириш мақсадида тор ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлаш мақсадида Россия Федерацияси ва бошқа давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртларига юбориш.	1. Манфаатдор вазирлик ва идораларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб икtidорли ва истиқболли ёшларни ўқитиш мақсадида тор ихтисосликларни аниқлаш.	ҳар йили ноябрь ойигача	-	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
		2. Эҳтиёжлар асосида Россия Федерацияси ва бошқа давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртлари билан шартномалар тузиш ҳамда ўқишга юборишни ташкил этиш.	10 июнь		Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
10	Бириктирилган академик лицейларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчиларнинг салоҳияти ва малакасини ошириш бўйича тақлифлар тайёрлаш.	1. Бириктирилган академик лицейларнинг моддий-техника базаси ҳамда ўқитувчиларнинг салоҳияти ва малакасини ошириш бўйича тақлифларни Касб-хунар таълими марказига тақдим этиш.	2018 йил 25 май	-	Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
		2. Академик лицейларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ўқитувчиларнинг салоҳияти ва малакасини ошириш бўйича чоратадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.	20 июнь	Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Касб-хунар таълими маркази, Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари
III. Илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш					
11	Олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларини ва ўқув жараёнларини такомиллаштириш мақсадида хорижнинг етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан тизимли алоқаларни кенгайтириш ва уларнинг натижадорлигини ошириш.	1. Олий таълим муассасаларининг хусусиятидан келиб чиқиб хорижий етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш.	2018 йил 3 сентябрь	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацияларни ривожлантириш вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари
2. Хорижий етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда ўқув адабиётларини яратиш, халқаро грант лойиҳаларида иштирок этиш.		1 декабрь	Ҳомийлик маблағлари, халқаро ва хорижий ташкилотлар грантлари		
3. Ҳамкорликда яратилган ўқув адабиётларини чоп этиш		2019-2021 йиллар	Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари	
4. Илғор технологияларга эга бўлган корхона ва ташкилотларда мутахассислик кафедраларнинг филиалларини ташкил этиш, ишлаб чиқаришдаги мавжуд муаммоларни ўрганиш, илмий ечимини излаш ва амалий машғулотлар ўтиш имкониятини яратиш.		Ўқув йили давомида		Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари, манфаатдор вазирлик ва идоралар	

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
12	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази тизимидаги соҳага алоқадор илмий муассасалар билан ҳамкорликда долзарб мавзулар бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш.	<p>1. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича соҳага алоқадор илмий муассасалари билан ҳамкорликда долзарб мавзуларда лойиҳаларни шакллантириш.</p> <p>2. Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли ёшларини илмий лойиҳаларга жалб этиш ва иштирокини таъминлаш.</p>	<p>2018 йил август сентябрь</p> <p>20 декабрь</p>	<p>-</p> <p>Давлат грантлари ва хўжалик шартномалари маблағлари</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацияларни ривожлантириш вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари</p>
13	Илмий изланишлар олиб бораётган докторантларни, иқтидорли талаба-ёшларни соҳанинг илмий муаммоли мавзулари билан шуғулланишга жалб этиш, тадқиқот ишлари учун ишлаб чиқариш ташкилотлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтларида тажриба-синов ишлари учун шароитлар яратиш.	<p>1. Илмий тадқиқот ишларига қизиқувчи иқтидорли талабаларни, докторантларни кўп йиллик амалий тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчиларга “Устоз-шоғирд” тизимида бириктириш.</p> <p>2. Илмий-тадқиқот муассасаларининг тажрибали мутахассислари томонидан бажарилаётган илмий муаммоли мавзулари бўйича илмий тадқиқот ишларига докторант ва иқтидорли талабаларни бириктириш.</p> <p>3. Докторант ва иқтидорли талабаларга илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтларининг лабораторияларидан фойдаланиш, тажриба-синов ишларини ўтказиш.</p>	<p>2018 йил 20 сентябрь</p> <p>ҳар йили сентябрь-октябрь</p> <p>ҳар йили</p>	<p>-</p> <p>Давлат грантлари ва хўжалик шартномалари бўйича тушган маблағлар</p> <p>Давлат грантлари ва хўжалик шартномалари бўйича тушган маблағлар</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацияларни ривожлантириш вазирлиги, илмий тадқиқот институтлари, Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари</p> <p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацияларни ривожлантириш вазирлиги, Илмий-тадқиқот институтлари, Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари</p>
14	Ёш изланувчиларга ва илмий педагог ходимларга зарур ижтимоий	1. Турар жойга эҳтиёжманд илмий ва илмий педагог	2018 йил 3 сентябрь	Олий таълим муассасаларининг	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	шароитлар яратиш.	<p>ходимларга талабалар турар жойларидан жой ажратиш.</p> <p>2. Хорижий давлатларга стажировка ўташ ва илмий анжуманларда иштирок этиш учун юбориладиган талабгорларнинг рўйхатини аниқлаш ҳамда танлов ўтказиш.</p> <p>3. Танлов натижалари асосида ёш изланувчилар ва илмий педагог ходимларни хорижий давлатларга стажировка ўташ ва илмий анжуманларга юбориш.</p>	<p>15 июнь</p> <p>Йил давомида</p>	<p>бюджетдан ташқари маблағлари</p> <p>Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази, халқаро таълим грантлари, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ва ҳомийлик маблағлари</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази, халқаро таълим грантлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, манфаатдор вазирликлар ва идоралар</p>
15	<p>Аграр соҳа ва тармоқлари бўйича фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Экология ва атроф муҳит муҳофазаси давлат кўмитаси, “Ўзпахтасаноат” АЖ, “Ўздонмахсулот” АК, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Ўзозиковқатсаноатхолдинг” ва “Ўзшаробсаноат” холдинг компаниялари, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ, “Ўздавқарантин” бош давлат инспекцияси, “Паррандасаноат”, “Ўзбекипаксаноат”, “Ўзбалиқсаноат” уюшмалари ва уларнинг тасарруфидаги замонавий инновацион технология ва тизимлар билан жиҳозланган корхоналарда</p>	<p>1. Таълим йўналишлари бўйича фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги соҳасига оид корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказиладиган ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини манзилли графигини тасдиқлаш.</p> <p>2. Амалиётларни ўтказиш бўйича ҳамкорлик шартномаларини тузиш.</p> <p>3. Илмий-тадқиқот муассасаларининг етакчи илмий ходимларини ва ишлаб чиқаришнинг тажрибали мутахассисларини ихтисослик кафедраларга белгиланган</p>	<p>2018 йил 20 октябрь</p> <p>октябрь-ноябрь</p> <p>20 август</p>	-	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот институтлари, Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари</p> <p>Манфаатдор вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот институтлари, Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари</p> <p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот</p>

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
	талабаларнинг малакавий (технологик, ишлаб чиқариш) амалиётларини ташкил этиш ҳамда илмий тадқиқот ва инновацион технологияларни амалиётга тадбиқ этиш.	тартибда ўриндош асосида педагогик фаолиятга жалб қилиш.			институтлари, Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари
		4. Илмий-тадқиқот муассасаларининг моддий-техника базаларидан фойдаланиш ҳамда инновацион технологияларни амалиётга тадбиқ этиш мақсадида сайёр дарс машғулотларини ташкил этиш.	ўқув йили давомида	-	
		5. Илмий-тадқиқот муассасаларининг етакчи илмий ходимларини ва ишлаб чиқаришнинг тажрибали мутахассислари билан биргаликда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг долзарб йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув адабиётларини яратиш ва чоп этиш.	ҳар йили 10 августгача	Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари	
16	Тошкент давлат аграр университетининг Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган “Қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот ва ўқув-тажриба станцияси” ДУК ўрнида “Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳат маркази” ДУКни ташкил этиш.	1. “Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳат маркази” ДУКни Уставини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2018 йил 15 июнь		Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент вилояти Қибрай тумани хокимлиги
		2. “Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳат маркази” ДУКни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш.	20 июль		

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
17	Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалининг Андижон вилояти, Андижон туманида жойлашган “Ўқув-тажриба хўжалиги” ДУК ўрнида “Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳат маркази” ДУКни ташкил этиш	<p>1. “Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳат маркази” ДУКни Уставини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. “Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳат маркази” ДУКни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш.</p>	<p>2018 йил 15 июнь</p> <p>20 июль</p>		<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети, Андижон вилояти Андижон тумани хокимлиги</p>
18	Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалининг Қорақалпоғистон Республикаси Ходжайли ва Нукус туманларида жойлашган “Ўқув-тажриба хўжалиги” ДУК ўрнида “Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳат маркази” ДУКни ташкил этиш	<p>1. “Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳат маркази” ДУКни Уставини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. “Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳат маркази” ДУКни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш.</p>	<p>2018 йил 15 июнь</p> <p>20 июль</p>		<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети, Қорақалпоғистон Республикаси Ходжайли ва Нукус тумани хокимликлари</p>
19	Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалининг Сурхондарё вилояти Термиз туманида жойлашган “Ўқув-тажриба хўжалиги” ДУК ўрнида “Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳат маркази” ДУКни ташкил этиш	<p>1. “Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳат маркази” ДУКни Уставини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. “Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳат маркази” ДУКни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш.</p>	<p>2018 йил 15 июнь</p> <p>20 июль</p>		<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети, Сурхондарё вилояти Термиз тумани хокимлиги</p>

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
IV. Мутахассис ва педагог ходимларнинг малакасини ошириш ҳамда халқаро алоқаларни ривожлантириш					
20	Хорижий давлатларнинг рейтинг юқори илмий ва олий таълим муассасаларига докторантурага ўқишга, илмий ходимларни стажировкага, профессор-ўқитувчиларни малака оширишга юборишни ташкиллаштириш.	<p>1. Малака ошириш, стажировкага юбориладиган талабгорларнинг рўйхатини аниқлаш мақсадида танлов эълон қилиш, улар билан суҳбат ўтказиш, инглиз ва рус тилларини билиш даражасини аниқлаш.</p> <p>2. Хорижий олий таълим ва илмий муассасаларига малака ошириш, стажировка ўташ учун юбориладиган педагог ва илмий ходимлар учун қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил қилиш.</p> <p>3. Янги таълим йўналишлари бўйича ўқув жараёнини юқори савияда ташкил этиш ҳамда таълим сифатини ошириш мақсадида етакчи хорижий олий таълим ва илмий муассасаларига мутахассислик фанларидан дарс берувчи профессор-ўқитувчилардан 11 нафарини қайта тайёрлашга ва 3 нафар иқтидорли битирувчи талабаларни магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга юбориш.</p>	<p>2018 йил 10 октябрь</p> <p>1 ноябрь</p> <p>25 декабрь</p>	<p>-</p> <p>Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази, халқаро таълим грантлари, ҳомийлик маблағлари ва грантлар</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари</p> <p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази</p>
21	Таълим сифатини ошириш мақсадида хорижий олимлар ва мутахассисларнинг маъруза ўқишларини ташкил этиш, улар томонидан онлайн режимида машғулотлар ўтказишни ва соҳанинг долзарб муаммолари йўналишида	1. Етакчи хорижий таълим ва илмий муассасалардан таълим йўналишларининг ўқув жараёни ва малака ошириш курсларига маърузалар ўқиш учун жалб этиладиган олим ва мутахассислар рўйхатини тузиш ва тасдиқлаш.	2018 йил 15 август	-	Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
